

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Тадбиркорлик — давр талаби



Мамлакатимизда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Бу борада ҳукуматимиз томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг интилиш-ларига катта эътибор қаратиляпти.



## Энг муҳими, иштиёқ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VII Курултойида мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман ҳамда шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, корхоналар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти орқали коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўринлари яратиш такли-

фи билдирилиб, делегатлар томонидан қўллаб-қувватлангани ҳам бежиз эмас.

**ДАСТЛАБКИ ТААССУРОТ**

«Аъламхон-текстиль» масъулияти чекланган жамияти Олмазор туманида жойлашган. Жамият раиси Аҳадхон Узоқов ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқ-

риш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси туман кенгашининг раиси Лола Исматова ҳамроҳида иккинчи қаватга кўтарилиди. Кенг ва ёруғ цех. Замонавий машиналар ўрнатилган. Ёш қиз-жувонлар чет элдан келтирилган тикув машиналарида ишлашаётир.

»(2).



## Тўрт томонлама шартнома

Касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш бугуннинг муҳим вазифаларидан. Бу борада коллеж битирувчиси ва корхона ўртасида уч ёки тўрт томонлама шартноманинг имзоланиши эътиборга молик.

Кува қишлоқ ҳўжалиги ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежидида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 611 нафар коллеж битирувчиси ҳамда тумандаги 71 та корхона 964 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

— Меҳнат ярмаркалари орқали битирувчиларни иш билан таъминлашда таълим муассасалари ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг биргаликда олиб бораётган ишлари самара бермоқда. — дейди АСМ ходимлари касба уюшмаси туман кенгаши раиси Х.Абдуллаев. — Шу куннинг ўзида битирувчилар ва уларнинг ота-оналари корхоналардаги бўш иш ўринлари билан танишиб, жами 265 нафар битирувчи ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ишга жойлашишга кўмаклашиш тўғрисида тўрт томонлама шартномани имзолади.

Ўз мухбиримиз

## Эл дастурхонига

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес субъектларининг улуши кун сайин ортиб бораёпти. Натижада, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши барибариди аҳолининг озик-овқат маҳсулотлари ва қўндалик молларга бўлган эътиёжи ҳам тўлиқ қопланмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехи бир неча йилдан буён ўқудуқликларнинг танлови ва ишончини оқлаб келаётир. Бу ерда айни пайтда кунига 1500 дона қолипчи нон ва 20 турга яқин қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, шаҳарликлар дастурхонига етказиб берилляпти.

— Мижозлар танлови бизга билдирилган ишонч, — дейди цех ходими Ориф Раҳматов. — Шу боис, аввало, маҳсулотларимизнинг сифатига алоҳида эътибор қаратамиз. Дастурхонимиз суткасига 3000 дона қолипчи нон ишлаб чиқариш қувва-тига эга.

Цехда ҳозирда 20 нафарга яқин ходим меҳнат қилмоқда.

Руслан САБУРОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Йўловчилар мамнун

Урганч шаҳридаги «Бунёд йўловчи ташиш» масъулияти чекланган жамияти беш-олти йил аввал ҳар ойда ўртача саккиз юз минг йўловчи хизмат кўрсатган бўлса, айни кунга келиб бу рақам бир миллион уч юз минг кишидан ошди. Албатта, бу ҳол корхона иқтисодиётини мустаҳкамлаш имконини ҳам бермоқда.

Жумладан, 2015 йил якулини бўйича кўрилган даромад ҳажми 9 миллиард 227 миллион сўндан ошди. — Даромадимизнинг асосий қисми жамиятимиздаги мавжуд автотранспорт воситаларини янгилашга йўналтирилмоқда, — дейди жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бошқарув раиси ўринбосари Алишер Матсапов. — Хусусан, ўтган йилнинг охири чорагида лизинг асосида 20 та замонавий «Isuzu» автобуси харид қилинди. Бу йил шундай автобуслардан 14 таси келтирилди. Яна 6 та «Isuzu» сотиб олиш режалаштирилган.

230 кишилик меҳнат жамоаси йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Ўғилжон РАҲИМОВА

Наврўзга пешвоз



Остонамизда кўклам насимлари эсади. Саҳий қуёш тоғлар ортидан нур сочиб, еру кўкни уйғотади. Бу йил юртимизга баҳор жуда эрта келди. Қиш бўйи тилимиздан Ойбекнинг ушбу сатрлари тушмади:

Бир ўлкаки қишларида шивирлар баҳор,  
Бир ўлкаки сал кўрмаса, қуёш соғинар...

Баҳор элчилари феврал ойидаёқ заминга нафосат, гўзаллик улашди. Ариқ бўйларидида ялпиз, офтобрўда бинафша бўй таратади. Табиатдаги бу таралдууд одамлар қалбига кўчди. Маҳаллау гузарларда, боғу хибонларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олди.

Президентимизнинг «2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги

Қарори халқимизнинг яратувчанлик ишларида ўзгача мазмун ва моҳият касб этаётир. Жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришда ушбу ҳужжат дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

»(4).

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## Аскарларга тавсияномалар топширилди

Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг Нукус гарнизони офицерлар уйида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, Куролли Кучлар резервиги бўшатишган аскарларнинг бир гуруҳига олий ўқув юртига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берувчи ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини топшириш ва уларни кузатишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга наватдаги қабулини ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервиги бўшатиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида»ги Қарори асосида тавсияномага эга бўлган аскарларни тақдирлаш маросимида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник Т.Эргашев, Қорақалпоғистон Республикаси Езувчилар уюшмаси раиси К.Каримов, Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Х.Умарова ва бошқалар миллий армиямизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Қўмондонлик тавсияномасини қўлга киритган оддий ас-

кар Муроджон Турғунов Наманган вилоятининг Янгикўрғон тумани Бирлашган қишлоқда туғилган. 2014 йилда Наманган олимпия заҳиралари коллежини тугатган Муроджон бокс бўйича спорт усталигига номзод.

— Ҳарбий хизмат мен учун жуда фойдали бўлди, — дейди у. — Ҳарбий соҳага оид билимларимни мустаҳкамладим, жисмонан чиникдим, кўплаб дўстлар орттирдим. Ташкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқиб, Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаётган ҳарбийлар сафида бўлиш бosh мақсадимдир.

Тадбирда Куролли Кучлар резервиги бўшатишган муддатли ҳарбий хизматчиларга савгалар топширилди. Санъат усталари ва ёш ижроичлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

А.ОРТИҚБОВ,  
ЎЗА мухбири

Семинар-тренинг

## Аёллар меҳнати муҳофазаси

Аёлини ҳимоялаган жамиятнинг куч-қудрати ўзгача бўлади. Шу боис ҳам Касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши ҳамда тармоқ ва ҳудудий комиссиялар хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш ҳамда ишловчи аёлларга хавфсиз меҳнат, дам олиш шароитлари яратилиши, меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши, қўшимча имтиёзлар берилиши, ҳуқуқий маданият ва маданий-матрифей йўналишлардаги тадбирларга кенг жалб этишга оид масалаларда тобора фаоллик кўрсатаётир.

Тошкент вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Қибрай туманидаги 26-му-

сика ва санъат мактабидида «Аёл оила ва жамиятнинг ишончи ва таннидир» мавзусида ўтказилган семинар-тренинг-

да бу борада амалга оширилган хайрли ишлар эътироф этилди.

Тошкент вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Шавкат Собиров мамлакатимизда аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муносиб меҳнат шароитлари яратиши бўйича олиб борилаётган тизимли ишларга эътибор қаратиб, Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисо-

дий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун имзоланган Бош келишув ва жамоа шартномалари аёллар учун қўшимча қарорлар ва имтиёзлар бериш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси, меҳнат ва дам олиши, соғломлаштирилиш борасида кўплаб хайрли ишларга йўл очиб беришини алоҳида таъкидлади.

Бирлашма кенгашининг Хотин-қизлар комиссияси раиси Равшаной Газиёва жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касба уюшма ташкилотларида олиб борилаётган ишлар юзасидан маъруза қилди.

»(2).



Вазифалар  
қўлами  
кенг

>> 2



Имконият  
ва имтиёз

>> 2



Нафислик ва  
саломатлик  
манбаи

>> 4

# Энг муҳими, иштиёқ



**Қ(1).** — 2014 йилнинг январ ойида фаолият бошлаганимиз, — деди жамият раиси. — Бунинг учун аввал банкдан 50 миллион сўм кредит олдик. Кўриб турганингиз мўъжазгина цехни яхшилаб таъмирладик. Хитойдан 30 та тикучи машинаси келтирдик. Хозирда 20 дан зиёд тикучи меҳнат қияпти. Асосан болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқармоқдамиз. Олмазор туманидаги енгил саннат касб-хунар коллежи билан мустақам алоқа ўрнатганимиз. Ҳар йили 15-20 нафар ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини бизда ўташяпти. Улар орасида мўким ишлаб қолиш истагини билдираётганлар ҳам анчагина.

Муҳими, бу ерда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар қисқа вақт ичида ўз харидорларини топиб улгурди. Эндикда корхона маҳсулотларига қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

### ИШОНГАН ТОҒИНГ БЎЛСА...

Кўриб, гувоҳи бўлдики, тармоқ касба уюшмаси туман кенгаши раиси Лола Исмаилова бу ердигилар билан жуда қадрдон бўлиб кетган экан.

— Касаба уюшма ташкилотининг бизга кўрсатаётган ёрдами фаолиятимизда катта аҳамият касб этмоқда, — дейди Аҳадхон Узоқов. — Айнан шу ташкилот орқали савдо-саннат палатаси билан мустақам алоқа боғладик. Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари ҳам тез-тез ташриф буюриб, иш юритиш, меҳнат муҳофазаси ва бошқа кўплаб мавзуларда ўз маслаҳатларини аяшмаяпти. Яқинда бирлашма кенгаши бўлим мудири Равшан Махмадалиев билан ҳамсухбат бўлдик. Тан олам, енгил саннат соҳасида шунча йил ишлаганимизга қарамасдан меҳнат муҳофазаси соҳасида олган билимларим етарли эмас экан. Эндикда бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олдик. Айни вақтда корхонада бошланғич касба уюшма кўмитаси тузилган бўлиб, унга Нилуфар Мавлонова етакчилик қилмоқда.

— Ишловчиларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади, — дейди етакчи. — Шароитлар яхши. Кийим алмашти-



риш хоналари бор. Тикучи қизларнинг кўпчилиги коллеж битирувчилари. Уларга устозлик қилиб, билмаганларини ўргатаймиз.


### ДОВОНГА ЧИҚҚАН — ЧЎККИНИ КЎЗЛАР

Табийки, келгуси режалар ҳам бизни қизиқтирди.

— Мақсадимиз, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони ва сифатини кўпайтириш, — дейди Аҳадхон Узоқов. — Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Энг асосийси, тадбиркорларга кўрсатилаётган гамхўрликни ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Хомашё етказиб берувчи корхоналар билан мустақам алоқа боғлаганимиз. Хомашёдан узилиш йўқ. Узим ва турмуш ўртоғим ҳам дизайнлик касбини эгаллаганимиз.

Кичик корхонадан қайтар эканмиз, иштиёқи баланд инсонларнинг нима-ларга қодир эканлигини яна бир бор ҳис этдик.

**Неъмат РАФИҚОВ,**  
«Ishonch» мухбири.  
Козим УЛМАСОВ  
олган суратлар



# Аёллар меҳнати муҳофазаси



Бугунги кунда жамоа келишувлари ва шартномалари хотин-қизлар учун барқарор ойлик маоши тўланадиган ва хавфсиз меҳнат шартноларига эга бўлган иш жойларини сақлаш, маъмули дам олишни ташкил этиш касолати ҳамдир. Чунончи, қўшма, хусусий ва оилавий корхоналарни касба уюшмаларига жалб этиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг локал ҳужжатларда кўзда тутилган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланишларини таъминлаш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнат муҳофазаси соҳасида ишлаб чиқаришдаги жароҳатлар ва касб касалликларининг олдини олиш масаласи устувор этиб белгиланиб, ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича кенг қўламли ахборот-тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари уюштирилмоқда.

Анжуманда жамоа шартномалари орқали амалга оширилган тадбирларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Жумладан, ўтган йилда фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 342 нафар ёш онага 276 та корхонада 27 млн. 782 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 937 нафар фарзанди учун 349 та корхонада ўқув курслари, дарсликлар харид қилиш мақсадида 50 млн. сўмга яқин, хомилдорлик ва туғиш таътиллари кўнгли ўзайтириш учун 448 нафар аёлга 90 млн. сўм сарфланган. Олий ўқув юрларида тахсил олаётган 134 нафар талабанинг контракт пуллари қопланган. Нодавлат мулк шаклидаги 116 та корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 173 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилган.

Комиссия томонидан ўндан ортқ семинар ва давра суҳбатлари ташкил қилиниб, улар Адлия бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, хотин-қизлар кўмитаси раислари ҳамда аёллар ҳуқуқлари ва қонийи манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритувчи бошқа ННТлар ҳамкорлигида ўтказилди.

Семинарда аёллар меҳнати қўламли таққиланадиган меҳнат шартноли ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташвишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегараси ҳақида меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ботир Мирзаев маъруза қилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини қучайтириш борасида йўлга қўйилган тизимли чора-тадбирлар қайд этилди.

Тренингда иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, меҳнат муносабатларига оид амалий машқлар олиб боришди. Анжуман ишида фаол қатнашган 10 нафар иштирокчи бирлашма кенгашининг эсдалик совгалари билан тақдирланди. Шунингдек, ЎзқўФКнинг «Соғлом она ва бола йили» дастури асосида 7 нафар аёлга «Бўстон» санаторийсига бепул йўланмалар берилди.

— Мазкур семинар-тренинг асоси фаолиятимга доир кўп жиҳатларни ўргандим, — дейди Таллим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Мукаррам Исроилова. — Анжуманда бугунги кунда аёллар масаласига янада эътибор қаратиш, уларга ҳар томонлама мадад бериш, эзгу фаолиятларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни бундан-да тараққий этириш учун нималарга аҳамият бериш кераклиги ҳақида атрофлича билим ва кўникмага эга бўлдик.

Семинар-тренинг якунида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши аъзоси Маҳмуда Мурзаева аёллар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш борасидаги долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди.

**А.ҚОДИРОВА**

### Жамоа шартномаси — амалда

## Вазифалар кўлами кенг

Сурхондарё вилоятидаги «Шўрчидонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида жамоа шартномасининг ўтган йилги ижросига оид конференция бўлиб ўтди. Унда бошқарув раиси О.Чотов ва касба уюшма кўмитаси раиси Ш.Назарованинг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, корхонада 900 нафар ходимга белгиланган тартибда тегишли имтиёзлар қўлланилган. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, муносиб меҳнат шартноли яратиб берилган.

Ҳар йили тузиладиган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Битимга биноан иш ўринлари назоратга олиниб, хавфсизлик техникасини қучайтириш юзасида тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ноқулай меҳ-

нат шартнолида ишлайдиган ходимлар йил давомида 2 марта махсус кийим-бош, пойабзал, шунингдек, ювиш ва зарарсизлантириш воситалари билан таъминланиб, мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари ташкил этиб келинмоқда. Ишчилар учун сут-қатиқ маҳсулотлари ва кунда икки маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган.

Конференцияда Бош келишув ва вилоятда тузилган минтақавий келишувдан келиб чиқиб, маъмури-

ят ва касба уюшма кўмитаси ўртасида 2015 – 2017 йилларга тузилган жамоа шартномасига жорий йил учун бир қанча қўшимчалар киритилди.

Йиғилишда иштирок этган вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакили Р.Қорабоев, Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши вакиллари Х.Умаров ва М.Абдуллаев амалга оширилган лозим бўлган долзарб вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтишди.

**М.АНОРБОВЕВ,**  
вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

### Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташкилотларда жамоа шартномалари ижросига бағишланган йиғилишлар ўтказилмоқда.

Мудофаа вазирлигининг Фарғона вилоят бошқармаси ва барча ҳарбий муассасаларида ташкил этилган тадбирлар соҳада илгар илгиш борлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Унда иш берувчилар, касба уюшма кўмиталари раислари жамоа шартномасида ходимлар манфаати ва ижтимоий кафолатлари ифодаланган бандларнинг қай даражада амалга оширилганини борасида атрофлича тўхталишди. Шунингдек, назорат қилиб борувчи ко-

миссияларнинг ҳисоботлари тингланди.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан аъзолар тақлифи ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда жамоа шартномасига жорий йил учун тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Фаолиятни янада яхшилашга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**  
«Ishonch» мухбири

### Сирдарё вилоят божхона бошқармасида 2015 – 2018 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жамоа шартномаси бажарилишини назорат қилиш бўйича икки томонлама комиссия раиси Ж.Ҳотамов ҳамда божхона бошқармаси касба уюшма кўмитаси раиси М.Тожиёвнинг ҳисоботлари тингланди.

Қайд этилганидек, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, саломатлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш ҳамда бандлик каби устувор йўналишлар бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

Йил давомида 27 нафар ходимга жамоа шартномаси орқали меҳнат таътиллари учун қўшимча маблағ, моддий ёрдам, мукофотлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун маблағ ажратилди. Касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан 2 нафар ходим «Оқтош» санаторийсида соғлигини тиклаб келди. Ёзги мавсумда ходимларнинг 5 нафар

фарзанди дам олдирилди.

Касаба уюшма кўмитаси томонидан жамоа шартномаси ижросини назорат қилиш юзасидан тегишли ишлар олиб борилди. Ўтган йилда ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида турли суҳбат, учрашув, шунингдек, тармоқ касба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш масалаларига оид тадбирлар ташкил этилди.

Бошқарма ходимларининг меҳнатни муҳофаза қилиш, уларга соғлом, хавф-хатарсиз иш шартноли яратиш, бахтсиз ҳодиса ва касб касаллигининг олдини олиш


касба уюшмасининг доимий назоратида бўлиб келаётди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ходимлар манфаатини ҳимоялашга жиддий эътибор берилганлиги, бу эса иш унумдорлигини таъминлашга хизмат қилаётганини эътироф этишди.

Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири М.Исаев, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўлими масъул ташкилотчиси А.Тожиёв ҳамда тармоқ касба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Ф.Жумабеков иштирок этди.

**Ашурали ТОЖИЕВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўлими масъул ташкилотчиси

### Матбуот анжумани



«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан суғуртанинг моҳияти, унинг мажбурий ва ихтиёрий турлари бўйича кўрсатилаётган хизматларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

## Янги суғурта маҳсулоти

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суғурта бозорининг ривожланиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун қўшимча асослар яратилишига кўмаклашди. Бугунги кунда Ўзбекистонда суғурта хизматларининг кенг спектри, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти, фуқаролар соғлиги, уларнинг мол-мулк суғуртаси бўйича хизматлар тақдим этувчи суғурталарнинг бутун тармоғи фаолият юритмоқда.

2015 йил якунилари бўйича компания томонидан юридик ва жисмоний шахслар билан жами 127 мингта суғурта шартномаси имзоланган. Агар суғурта даъволарига оид рақамларга эътибор қаратсак, бир йил давомида жами 5744 та суғурта даъвоси кўриб чиқилиб, амалга оширилган суғурта қопламаларининг 66 фоизи мажбурий, 34 фоизи эса ихтиёрий суғурта турларига тўғри келди. Улар асосан ипотека, авто, хавфли ишлаб чиқариш объектилари, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурталари каби соҳаларда амалга оширилган.

Шунингдек, тадбирда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли учун «Соғлом она ва бола» янги суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилгани хусусида тўхталиб ўтилди.

Матбуот анжумани якунида ОАВ ходимларининг саволларига компания вакиллари томонидан жавоб берилди.

**Раъно МАҲҚАМОВА,**  
«Ishonch» мухбири

### Меҳнат қонунчилиги

## Имконият ва имтиёз

Самарқанд шаҳридаги Сўзангарон тиббиёт коллежида ёшларнинг меҳнат қонунчилигига доир билимини оширишга қаратилган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудири Фаррух Саъдуллаев маъруза қилиб, меҳнат қонунчилигида ёшларга яратилган имкониятлар, ишга қабул қилиш, синов муддати белгиланган ва бошқа имтиёзлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

— Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда, — дейди ўқитувчи Зарнигор Абдуллаева. — Бугунги тадбирда иш жараёнида дуч келинадиган ҳуқуқий масалалар, меҳнат дафтарчасини юритиш, жамоа шартномаларида назарда тутилган меҳнат муносабатлари, касба уюшмаларига аъзолик афзалликларини тўғрисида маълумотларга эга бўлдик.

Шунингдек, давра суҳбатида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят бирлашмаси шаҳар жамияти вакиллари ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

Жиззах вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши адлия, меҳнат бошқармалари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ташкил этмоқда.

Жамоанинг асосий қисmini ёшлар ташкил этадиган «Жиззах-Пластик» қўшма корхонасида ҳам шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан бирлашма кенгаши юридик бўлими мудири Э.Умурзоқов ҳукуматимиз томонидан ёшларга берилган қўшимча афзаллик ва кафолатлар, меҳнат қонунчилигига ёшлар масаласида киритилган қўшимча ва ўзгаришлар, ишга

қабул қилиш, меҳнат шартномаси тузиш, ўзгартиш, уни бекор қилиш каби муҳим масалаларга тўхталиб, Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси масъул ходими О.Аралов ходимларни, хусусан, ёшларни ишга жойлаштириш, бандлигини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритган бўлса, адлия бошқармаси ходими Ж.Одилов юртимизда тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоялаш борасида амалга оширилган чора-тадбирларга эътиборни қаратди.

Иштирокчилар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Шундай давра суҳбатлари Жиззах туманидаги маънавий меҳнат касб-хунар коллежи, ободонлаштириш бошқармаси, Жиззах шаҳридаги юридик коллежда ҳам ўтказилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
«Ishonch» мухбири



# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

## Баҳоринг муборак, дилбар Ватаним!



❖(1).

Муздақиллигимизнинг йигирма бешинчи баҳори Қибрай тумани худудидagi ёзувчиларнинг «Дўрмон» ижод уйига ўзгача гўзаллик ва тароватни бошла келаятгандек. Тошкент — Қибрай йўлидан ижод боғига борадиган кенг йўлга қайрилишингиз билан кўклар таровати кўнглингизга сурур бағишлайди. Йўлинг икки томонидаги боғдан эсаётган майин шабада кишининг баҳри дилини очиб, кўнглига илҳом солади. Негадир, ҳар гал шу ердан ўтарканман, гуё бу йўл менга одамларни адабиётга, маънавиятга олиб бораётгандек туюлади. Бу манзиллардан бир замонлар тош оралаб истиклол кунларига етмоқни орзу қилиб адабиётимиз дарғалари — Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода,

Миртемирлар ўтишган. Ҳозир эса айна сахар чоғи ва намозшом салқини тушганда устоз шоири ёзувчилар, ёш қалам соҳиблари ана шу кенг кўча бўйлаб сайр қилиб, гурунглашиб, янги ёзилажак асарларига илҳом олишади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги 2010 йил 26 февралдаги Қарори билан ушбу ижод бўстонида адабиётни раванқ топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Айна кунда ҳам боғнинг уч ярим гектарлик худуди кўкларамзорлаштирилиб, янада гўзал маканга айлантирилмоқда. Ижодкорларнинг кун иссиғида салқинлаша, сув бўйида дам олиши учун бассейн ҳам шай қилиб кўйилди. Боғ, кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилиб, янги йўлакчалар барпо этилди. Эндликда ижодкорлар ширин сўхбат қуриб, сайр этаётганида машиналар ҳаракати уларга халақит бермайди. Бу эса ёзувчиларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда беқиёс имкониятлар яратди.

Эрта кўклардан азамат чинор арғувор дараклар ёнига ёш ниҳоллар қадалаётди. Айна кунда ҳам ишчиларнинг қўли-қўлига тегайди. Ободончилик, бунёдкорлик ишлари қизигандан қизимоқда. Кимдир даракларга шакл берса, боқиса заминга янги ниҳол қадди. Боғдаги ободонлаштириш ишларини қузатиб, ободлик кўнглидан бошланади, деган ҳикमत ҳаёнга келади. Аслида ижодкор қалби халқнинг кўнгли уйдир. Шу боис уларнинг асарларида халқ кўнгли, миллат қувончу дарди акс этади. Боғдаги орасталлик бу ерда яшаш ижод этаётган ёзувчи, шоирлар кўнглига кўчади. Ажойиб асарлар ёзилишига туртки бўлади.

Зулфияхоним яшаб ижод этган ошён шоиранинг таваллуд кўни муносабати билан янада кўркамлашган. Ҳовли атрофидаги митти-митти турфа чечакларга кўзим тушиб баҳор билан эгизак шоиранинг мисраси тилимда айланади:

**Салқин сахарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор...**

Дарвоза ёнида ўрнатилган мрамр лавҳада шоиранинг гўзал битиклари билан бирига сурати жой олган. Кўзлари чакнаб шодон қиёфада турган шоира даврон гўё халқига, Президентига «Эъозлар, ардоқлар учун ташаккур...» дейётгандай. Ҳа, ўқидан нурли из қолдирган Зулфияхоним-

нинг издошлари йилдан-йилга кўпайиб, дилбар шоирага муносиб, Ватан, халқ ишига камарбаста бўлишаётир.

Ороланиб, янги қиёфада баҳорга пешвоз чиқаётган, адабиётимиз дарғаларидан тортиб ёш ижодкорларнинг қаламини чархлаётган «Дўрмон» ижод уйидан чиқарканман, шоирнинг куйидаги сатрлари ёдга келади:

**Кизгалдоқ барғидек учар дилдан ғам,  
Тошқинлар киради қалбимга маним.  
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,  
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.**

**Амина ҚОДИРОВА,  
«Ishonch» муҳбири**



У.А. Сурайтлар

## Спорт янгиликлари

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Спорт — нафислик ва саломатлик манбаи» шиори остида мусобақа ўтказилди.**



### НАФИСЛИК ВА САЛОМАТЛИК МАНБАИ

Ташкилотлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий шериклик муносабатлари самарасини ошириш, спорт ва жисмоний тарбия билан шугулланишни кундалик ҳаёт тарзига айлантириш, шунингдек, шахсий намуна курсатиш мақсадида ташкил этилган турнирда 16 та вазирлик, идора ва ташкилот вакиллари қатнашди. Спортнинг гимнастрада, мини-футбол, стол тенниси, дартс, шашка турлари бўйича мусобақа якунларига кўра ҳар бир жамоа турли номинациялар бўйича тақдирланди. Беллашуларда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар жамоаси ҳам пухта ҳозирлик кўрганани намён этди.

— Мини-футбол бўйича мусобақаларда қатнашдим, — дейди Агрисаноат маж-

муи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Шохид Бегимқуллова. — Ҳозир ўзимни жудама яхши ҳис этапман. Бундан кейин ҳам ушбу спорт тури билан доимий шугулланиб боришни кўнглимга тугиб қўйдим.

Жамоа вакиллари орасида тахририятимиз ходимининг ҳам фаол иштироки бизни қувонтирди. — Болалигимдан стол теннисига қизиқман, — дейди ҳамкасбимиз Гўзал Нурчаева. — Бирок, катта мусобақаларда иштирок этмагандим. Бу тадбир менга имкониятими яна бир бор синовдан ўтказишга ёрдам берди. «Энг интизомли жамоа» номинацияси эса янада кўтаринки кайфият бахш этди.

**Комила БОЙМУРОВА,  
«Ishonch» муҳбири**

### БОКС

## ҒАЛАБАЛИ ОДИМЛАР



**Болгариянинг София шаҳрида ўтказилган аънавий халқаро турнирда мамлакатимиз боксчилари биттадан олтин ва бронза медалини қўлга киритди.**

Турнирда 40 давлатдан келган 300 нафардан зиёд эркак ва аёллар медаллар учун баҳс юритди.

Терма жамоамиз ҳисобида олтин медални Маҳмуд Ғоипов (-69 кг.) келтирди. Истеъдодли боксчининг финал жангида мезонлар вакили Симён Чамовни 3:0 ҳисобида енгди. Сардор Бегалиев (-91 кг.) эса ярим финалда қадар етиб борди.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида Бутунжаҳон бокс серииси (WSB) ҳамда APB йўналишлари бўйича бокс кечаси ўтказилди.

Бутунжаҳон бокс сериисида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Ўзбек йўлбарслари» жамоаси дастлабки кун бўлиб ўтган баҳсда Пуэрто-Риконинг «Puerto Rico Hurricanes» боксчиларини 5:0 ҳисобида, иккинчи кун ўтказилган жангларда эса мукобалининг амалдаги ғолиби Козогистоннинг «Astana Arlans» жамоасини 4:1 ҳисобида мағлуб этдилар.

APB йўналишида ташкил этилган баҳсларда ҳам ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этиб, Мугулиния (WSB) ҳамда APB йўналишлари бўйича бокс кечаси ўтказилди.

### ТЕННИС

## ЖўРАБЕК ВА СЕРГЕЙ — ФОЛИБ

**Ҳамюртмиз Жўрабек Каримов Россиянинг Қозон шаҳрида теннис бўйича ўтказилган халқаро турнирда барча рақиблари устидан зафар қучиб, бош мукофот соҳибига айланди.**



Турнирда биринчи рақам остида таснифланган ҳамюртмиз мусобақа давомида россиялик теннисчилар Иван Михайлюкни 6:1, 6:4, Алексей Захаровни 6:4, 6:4, Буюк Бригантиялик Райан Жеймс Сториени 6:2, 4:6, 7:6, ярим финалда россиялик Павел Котовни 7:5, 6:3 ва финал баҳсида мезонларнинг яна бир вакили Лев Казаконни 6:4, 6:2 ҳисобида енгди.

Сergeй Фомин эса Козогистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган «Capital Cup 2016» халқаро турнирида беш совринни қўлга киритди. Ҳамюртмиз турнир давомида Россия, Козогистон, Украина, Туркия вакиллари билан мағлубиятга учрашиб, финал учрашувида мезонлар вакили Лев Казаконни 7:6, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

Истеъдодли теннисчимиз

### ПАУЭРЛИФТИНГ

## МАТОНАТ БАҲСИ



**Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида пауэрлифтинг бўйича ўтказилган Жаҳон кубоги беллашуларида Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси аъзолари муносиб иштирок этди.**

Мақкур нуфузли мусобақада дунёнинг 40 давлатидан 190 спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Вакилларимиздан Нуритдин Давлатов (-107кг.) 194 кг.

ҳамда Рўза Қўзиёва (-49кг.) 92 кг. тошни ўзига бўйсундириб, бронза медалларига сазовор бўлди. **Алҳам АРСЛОНОВ,  
«Ishonch» муҳбири**

### Солиқ ва биз

**Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланиб, ҳаётимиздан кенг ўрин олмақда.**

## Қулай ва самарали

Жумладан, жисмоний шахслар учун яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банк бормасдан «Click», «Mbank» ва «U-Ray» тўлов тизимлари ёрдамида мобил телефон ёки интернет орқали онлайн режимида тўлаш имконияти яратилган. Ушбу тўлов тизимлари фойдаланишда қўшимча пул олинмайди. Тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий қарточкаларига автоматик равишда қайд қилинади. Бунинг учун тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган Online-UZCARD пластик карталаридан фойдаланиш мумкин.

— Бугунги кунда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни электрон тарзда тўлаш тизими жорий қилинганлиги бизга бир қатор қулайликлар яратмоқда, — дейди Бектемир туманида фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркор Уғлилой Султонова. — Эндликда тўловларни банк бормасдан исталган вақтда амалга ошириш имконига эгамиз. Бу эса ортиқча оворгарчиликка чек қўйиб, вақтимизни тежашти.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчилар учун яратилаётган бундай қулайликлар қўла-қўла тобора кенгайиб бормоқда.

**Жалол МАҲМАДУСТОВ,  
Бектемир туман ДСИ бошлиғи ўринбосари**

### Реклама ва эълонлар

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Ягона буюртмачи хизмати сифатида иш юритувчи Капитал қурилиш бошқармаси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

1. Қашқадарь вилояти УЯ-64/ИЗ-5 муассасасини реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи қўйилган қиймат билан бирга — 6 074 346 889 сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 5 661 955 829 сўм, қурилиш тугаллаш муддати — 15 ой.

2. Қарши шаҳар 7533 ҳарбий қисмининг назорат ўтиш хожини қайта қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўйилган қиймат билан бирга — 365 532 283 сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 304 610 236 сўм, қурилиш тугаллаш муддати — 3,5 ой.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ягона буюртмачи хизмати сифатида иш юритувчи Капитал қурилиш бошқармаси.

**Манзил:** Тошкент шаҳар, Усмон Носир 1-берк кўчаси, 9-ўй. Телефон: (0-371) 254-79-42.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** — Республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилганлиги ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш монтаж ишларини амал-**

## «SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ 2016 йил 31 март кунлари соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносисда очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

**Савдосига қўйиладиган автотранспорт воситаси қўйилади:**

1. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилоят кенгаши балансида бўлган 2002 йилда ишлаб чиқарилган 75 242 ЖАА давлат рақамли «ГЕАНС» ТИКО» русумли техник таъмирлаб холатдаги автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси — 3 100 000 сўм.

2. Қизилқум ҳокимлиги балансида тегишли бўлган 2000 йилда ишлаб чиқарилган 75 042 ЖАА давлат рақамли «ГАЗ-3110» русумли техник таъмирлаб холатдаги автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси — 4 027 000 сўм.

3. Қизилқум ҳокимлиги балансида тегишли бўлган 1997 йилда ишлаб чиқарилган 75 289 ЖАА давлат рақамли «ГАЗ-310290» русумли техник таъмирлаб холатдаги автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси — 1 556 000 сўм.

Юридаги мулк 2016 йил 31 мартдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, тақрирӣ аукцион савдоси 2016 йил 15-, 18-, 19 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилами.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний

## «Navoio mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

1. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда Навоий вилоят табиқий муҳофазат қилиш қўмитасининг 2016 йил 23 январдаги 01/229-сонли қарорига асосан, Навоий шаҳар, Толстой кўчаси, 14-А уйда сақланган 2008 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақамли 85 853 ЖАА бўлган «УАЗ-315148-095» русумли автотранспорт қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 4 662 000 сўм.

**Савдо 2016 йил 30 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Арзлар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Арзларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 28 март кунлари соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2016 йил 30 март кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Арзларни қабул қилиш: Навбатдаги ғавдо учун 2016 йил 4-, 11 апрел кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олд-сотди шартномасини тузиши лозим. Қўриқлабни таъмирлаш учун қўшимча равишда энг кам иш ҳажининг бир боровари микдорда ҳақ олинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий филиали қўйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 202080070494316001, МФО: 09205, СТИР: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Жасад кўчаси, 24-уй. Тел: (0-436) 22-4-64-31. www.ttm.uz. Гувоҳнома: 1605. **Хизматлар лицензияланган.**

Талабгорлар «Закалат пули» тўғрисидаги келишувни имзолангандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган микдорда закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ нинг «НАМКОРВАНК» АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИНН: 303477661, Х/Р: 20208000100512709001 ҳисоб рақамга тўлашлари ва қўйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Фойзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қavat, 1-хона. Телефон: (0-376) 223 25 55. **Хизматлар лицензияланган.**

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Очиқ аукцион савдосига фермер хўжалиғи ташки этиш ва туман ҳокимлиги билан ер майдонига бўлган ҳуқуқ бўйича ижара шартномаси тузиш шартли билан туман заҳира ерлари ҳисобига олинган кўйидаги «Бозор» қўйилмоқда.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркестон» ҚФЙ, «Иттифоқ» массиви худудида фаолият юритаётган «ИТТИФОҚ ИКСИТЛАЕВ ШНАВКАТ» фермер хўжалиғидан 9-лояҳка асосида туман заҳира ерлари ҳисобига олинган 272, 273, 274, 275, 276, 285, 286, 523, 524, 606, 516-контурларда жойлашган 10,25 гектар, шундан 6,77 гектар ер майдонидagi «Бозор», бошланғич баҳоси 3 803 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2016 йил 31 март кунлари соат 11:00 да Республика Биржа Маркази биносисда бўлиб ўтади. Мақур «Бозор» сотилмай қолган тақдирда тақрирӣ аукцион савдолари 2016 йилнинг 7, 14, 21 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули» тўғрисидаги келишувни имзолангандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE»

МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Мироб-қилиғидagi 2020800804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни топшириши керак: — юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қўни билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. — жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қўни билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мақур ҳужжатлар 2016 йил 2 март кунидан бошлаб, жамиятининг расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй, 1-қavat, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorsevice@mail.ru, 147-400 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

**Хизматлар лицензияланган: RR — №0008.**

## Аукцион савдолари тўхтатилганлиги хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ Бухоро филиали «Ishonch» газетасининг 28.01.2016 йил № 12 (3673)-сон, «Бухоро спорт» газетасининг 04.02.2016 йил № 6 (1266)-сон нарида чоп қилинган аукцион савдолари хабарномасига асосан Ромитан туманидаги фермер хўжалиғининг 29.02.2016 йилдаги хатга асосан 2016 йил 4 март, 2016 йил 11 март ҳамда 2016 йил 18 март кунлари белгиланган аукцион савдолари тўхтатиб қўйилганлигини ҳамда бош-қорбоғлар аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: **Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ Бухоро филиали.**

Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қavat).

Лицензия: RR 0170. Тел: (0-365) 221-59-24. E-mail: gs.group@inbox.ru. **Хизматлар лицензияланган.**

05.01.1981 йилда туғилган Утамуродова Хулқар Уралиевна номли 18.03.2009 йилда берилган «В» тоифали АА сериали 815392 рақамли ҳайдоқчилик гувоҳномаси ҳамда О'З'Э сериали 0834392 рақамли оғоҳланганлиги талони йўқолишини сабабли бекор қилинади.

### МУАССИС:



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

### Bosh muharrir

Jahongir Sharofboyev

### Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

### BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Husnug va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

### Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy, E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftoning seshanba, payshanba va shamba kunlari chiqadi. Satovda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahriyati nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

### HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-60  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Suxondaryo — (+998-95) 502-68-99  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

### Navbatchi muharrir:

U.Ibodinov  
Navbatchi: G.Norchayeva  
Musahhh: S.Shodiyeva

### Sahifalovchi:

H.Abduljalilov

### «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonamanzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

### Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifal